



Иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади.

Ш. Мирзиёев
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Лойиҳа ташкилотчиси:

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

Тузувчи:

“ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази.

Тақризчилар:

М.Х.Юсупов - «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси бўлим бошлиғи, и.ф.н.

М.Абдувасиев - “ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази етакчи мутахассиси.

Ушбу қўлланма

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тухфаси ҳисобланади.



Ушбу қўлланма «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, ҳамда «ЎзқурилишматериалЛИТИ» МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази томонидан пол учун паркет ишлаб чиқаришни ташкил этиш ниятидаги тадбиркорлар учун амалий-услубий қўлланма мақсадида яратилди.

Амалий-услубий қўлланмадан фойдаланиб пол учун паркет ишлаб чиқариш ҳақида умумий маълумот олиш, керакли хом ашё

турлари, мавжуд заҳиралар, ишлаб чиқариш технологиялари, сифат, меъёрий ҳужжатлар, ўлчов воситалари, иқтисодий самараадорлик кўрсаткичлари, экологик меъёрлар ва атроф мухитга таъсири, техника хавфсизлиги, саноат санитария қоидалари, тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш ҳамда тижорат банкларидан кредит олиш тартиблари келтирилган.

Ушбу қўлланмадан фойдаланиб ўз бизнесингизни бошланг!

Сизга ёрдам берганимиздан миннатдормиз!



МУНДАРИЖА

Кириш	6
I. Пол учун паркет материаллари ҳақида умумий маълумот	12
1.1 Пол учун паркет материаллари ишлаб чиқариш истиқболлари ва жаҳон тажрибаси	14
1.2 Пол учун паркет материалларининг турлари, ўлчамлари, физик-механик кўрсаткичлари	20
1.3 Пол учун паркет материалларининг муқобил қурилиш материалларидан афзаликлари	24

1.4 Ишлаб чиқариш ҳолати рақамларда	28	6.1 Экологик мөйөрлар ва тартибга солувчи ҳужжатлар	60
II. Хом ашё турлари ва мавжуд заҳиралар	30	6.2 Экологик ҳужжатларни расмийлаштириш	64
III. Ишлаб чиқариш технологиялари	36	VII. Мөхнатни муҳофаза қилиш	66
IV. Сифат, мөйёрий ҳужжатлар ва ўлчов воситалари	42	7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари	68
4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари	44	VIII. Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми	74
4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш	48	IX. Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш тартиби	76
4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги	50	Фойдаланилган адабиётлар	78
V. Самарадорлик кўрсаткичлари	52		
VI. Экологик мөйөрлар ва атроф мұхитга таъсири	58		

КИРИШ







Бунёдкорлик ишлари қийматининг 55-60 фоизини қурилиш материаллари ташкил этиши, замонавий меъморчилик янги, сифатли, арzon, енгил ва энергия тежамкор, инноваци-

он маҳсулотларни талаб қилиши инобатга олинса, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаси тараққиёти ва аҳамиятини ҳис қилиш ва англаш қийин эмас.

Республикамизда ҳозирги кунда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бүйича барқарор үсиш суръатларини таъминлаш мақсадида мавжуд қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилған таркибий үзгартырыштарни янада чуқурлаштириш юзасидан тизимли ишлар амалға оширилмоқда.

Бунда тармоқни жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, республикада мавжуд маҳаллий минерал хом ашё ресурсларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш ва бунинг натижасыда курилиш материалларини ишлаб чиқариш құвватларини юқори күрсаткىчларда бўлишини таъминлаш билан бирга

экспорт ҳажмларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу, ўз навбатида, нафакат ички бозорни таъминлаш, балки хорижий давлатларга экспорт қилишга ҳам имконият яратмоқда. Үмуман олганда, Ўзбекистонда қурилиш материаллари саноати ривожланиш учун жуда юқори салоҳиятга эга.

Курилиш материалларининг таркибидаги биринчи паркет поллари бадиий паркет, панели паркет, блок паркет ва қаттиқ паркет тахталар тарзида бўлган. Паркет поллар тарихи тахминан XVI асрда Европада бошланади, унда хонанинг бутун узунлиги бўйлаб катта масив тахталардан ташкил топган «эман ғиштлари» деб номланган пол қопламалари ишлаб чиқарила бошланган.

Европада зодагонларнинг уйларида поллар дастлаб турли хил тахталар билан қопланган эди. Пол қопламаларидан чизмалар ва безаклар орқали турли хил дараҳтлардан ёғоч пол тўшамалари ҳосил қилинган. Туар-жой бинолари поллари оддий, содда ёғоч қопламалари билан ёпилган оддий ишланган ва бир хил турдаги тахталар лак билан бўялган содда кўринишда бўлган. Ўшанда оддий ҳажмдаги тахтани қаттиқ геометрик шаклдаги алоҳида тахталарга ажратиш ғояси пайдо бўлган.

Ўрта асрларда паркет аллақачон қасрлар, сарой заллари ва юқори даражадаги зодагонлар туар жойлари ички қисмининг ажралмас қисмига айланган.





I. ПОЛ УЧУН ПАРКЕТ МАТЕРИАЛЛАРИ ХАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ





1.1 Пол учун паркет материаллари ишлаб чиқарыш истиқболлари ва жаҳон тажрибаси



Паркет - бу ёғоч тахта тури. Паркет панели ундан фойдала- ниш турига қараб қуйидагилар- га ажратиласы:

1. Блок паркет
2. Панел паркет
3. Ички паркет.

Ёғоч ўзи бунёдга келадиган, тайёр қурилиш материалы, шунингдек маълум бир қурилиш материаллариға хом ашё ҳам ҳисобланади. Ёғоч - нисбатан енгил ва мустаҳкам материалдир. Қуруқ қарагай ва қора қа- рағай ёғочининг зичлиги **500 кг/м³** га teng. Ёғоч яхшигина иссиқлик сақловчы материал ҳамдир, бу эса деворлар ва кам қаватли уйлар том ёпмалари учун жуда муҳим күрсаткич- дир. Ёғочнинг юмшоқ материал бўлгани учун унга енгил ишлов бериш мумкин. Унинг бу ху- сусияти ёғоч конструкциялар тайёрлашни осонластиради. Ёғоч ташқи муҳит таъсирига чи- дамли ва шунинг учун ёғоч кон- струкциялари кимё саноатида кенг қўлланиб келинмоқда (ме- талл конструкциялар кимёвий

агрессив муҳитда тез бузила- ди). У зарба ва тақрорланувчи юкламалар таъсирига чидамли ва шунинг учун ёғоч конструк- циялари кучли тебранишлар таъсирида бўлган кўприкларда ҳам юқори мустаҳкамликка эга.

Ёғоч конструкциялари ишончли, енгил ва етарли мустаҳкамликка эгадир, шунингдек яхлит бутун кесимли ёғоч мате- риалидан турар-жой, умумий ва ишлаб чиқариш бинолари қуриш мумкин. Ёғочни сувга чидамли бўлиши учун унга син- тетик маҳсус аралашма ва қў- шимчалар билан ишлов бериш мумкин.

Ёғочга ҳозирги замон конс- труктив ва кимёвий ҳимоя қи- лиш воситалари билан ишлов бериш натижасида, унинг чи- римаслик күрсаткичини оши- рилиб, ундан узоқ муддат фой- даланиш имконияти яратиласди. Ёғоч конструкциялари ёнувчан ҳисобланади. Аммо ҳозирги пайтда қўлланилаётган йи- рик кўндаланг кесимли ёғоч конструкцияларининг оловга

бардошлилик чегараси айрим қурилиш материаллари асосида ишлаб чиқилган конструкциялариникидан юқорироқдир. Тўғри технология орқали ишлаб чиқарилган паркет, табиий чиройли ва ишончли тахта бўлиши мумкин. Афсуски, ҳар бир паркет қопламалари ҳам ушбу талабларга жавоб бермаслиги мумкин. Паркетнинг сифати нафақат ишлатилидиган материалларнинг сифатига, балки ишлаб чиқариш жараёнининг хусусиятларига ҳам боғлиқдир. Паркетлар тахминан битта технологик схема билан ишлаб чиқарилади, аммо ҳар бир ишлаб чиқарувчи ўз рецепслари ва "nou-hau" талаблари асосида ишлаб чиқариши натижасида паркетнинг сифат даражаси ошиши ҳам мумкин. Шунинг учун паркет қопламалари ишлаб чиқариш жараёнида олдиндан аниқлаб олинган қатъий рецепт ва стандарт талабларига амал қилиниши лозим.

Хозирда Андижон, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида жойлашган йирик корхона-

лар паркет пол материаллари ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланмоқда.

Жумладан:

1. Андижон вилояти, Андижон шаҳридаги «MANSUR BUNYODKOR QURILISH» масъулияти чекланган жамияти
2. Хоразм вилояти, Гурлан тумани, Гурлан шаҳарчасидаги «ZARBDOR» хусусий корхонаси;
3. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «LEYLA OSIYO DIZAYN» масъулияти чекланган жамияти томонидан "йиғилган паркет" ва бошқа турдаги паркет панеллар ёки плиталар ишлаб чиқарилмоқда.

Республикамизда рақобат-бардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суратларини таъминлаш, шунингдек, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган қурилиш материаллари саноатидаги таркибий ўзгартиришларни янада чукурлаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

**2019-2025 йилларда диверсификация қилиш ва
маҳсулот турларини кенгайтириш ҳисобига қурилиш
материаллари ишлаб чиқаришнинг мақсадли
курсаткичлари**

Ёғоч плиталар хамда ёғочдан ва бошқа ёғочбоп мате- риаллардан турдош плиталар	факт		2025 йилда 2018 йилга нисбатан динамика (фоизда) 1 526,7	
	2018 й.	26,2		
прагноз				
2019 й.	60			
2020 й.	90			
2021 й.	330			
2022 й.	350			
2023 й.	360			
2024 й.	380			
2025 й.	400			

**2019-2021 йилларда қурилиш материаллари
саноати соҳасида амалга ошириладиган
истиқболли лойиҳалар рўйхати**


Худудлар	Лойиҳа номи	Ишлаб чиқаришлар сони	Умумий йиллик куввати	Ажратиладиган кредитлар лимити (млн. долл.)
Қорақалпогистон Республикаси	Ғўзапоя, қамиш, сомон ва бошқа ўсимлик пояларидан ёғоч плиталар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	3	180 минг куб м	20,0
Бухоро вилояти	Ғўзапоя, қамиш, сомон ва бошқа ўсимлик пояларидан ёғоч плиталар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	1	50 минг куб м	5,0
Сурхандарё вилояти	Ғўзапоя, қамиш, сомон ва бошқа ўсимлик пояларидан ёғоч плиталар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	1	150 минг куб м	7,0
Тошкент вилояти	Паркет ва ламинат ишлаб чиқаришни ташкил этиш	1	1,5 млн. кв. м	1,5
Фарғона вилояти	Ғўзапоя, қамиш, сомон ва бошқа ўсимлик пояларидан ёғоч плиталар ишлаб чиқаришни ташкил этиш	1	10 минг куб м	1,5
Тошкент шаҳри	Паркет ва ламинат ишлаб чиқаришни ташкил этиш	1	1,5 млн.. кв. м	1,5



Хорижда пол учун паркет қопламалари ишлаб чиқарыш билан Kahrs (Швеция), Weitzer Parkett (Австрия), Haro Parquet (Германия), Tarkett/ Синтерос (Швеция-Сербия-Россия), Upofloor/Карелия (Финляндия-Россия), Boen (Норвегия-Литва), Barlinek (Польша-Украина), Amber Wood

(Россия) корхоналари шуғуллады ва улар ўз навбатида дунё етакчилари ҳисобланишади. Умуман олганда паркет қопламалари ишлаб чиқаришнинг ушбу давлатларда ривожланишига сабаб уларнинг улкан ўрмонзор ва дараҳтзорларга эга эканлиги асосий омил деб аташ мүмкин.

1.2 Пол учун паркет материалларининг турлари, ўлчамлари ва физик-механик кўрсаткичлари



Пол учун ишлаб чиқариладиган паркетларнинг 3 хил тури мавжуд. Булар:

1. Панел паркет;
2. Композит (мозаика) паркет;
3. Ламинат паркет.

Панел паркет – икки қопламадан ташкил топған түзилишда ишлаб чиқарилади. Биринчи тузилишдаги түртбұрчак шаклда таҳта толаларидан ташкил топған панеллар бўлса, иккинчиси қаттиқ ёғочдан ясалган майда панеллар кўринишида тайёрланади.

Панел паркетнинг ўлчамла-

ри: 80x80 см, қалинлиги 15-30 мм.

Махсулотлардаги асосий тасвир квадрат шаклга туширилген бўлади.

Композит (мозаика) паркет

- бу турдаги паркет 40x40 см ва 60x60 см гача ўлчамда ички жойлашуви кетма кет илгаксимон бўлиб, қирралари орқали бир бирига ўрнатилади. Композит паркетнинг бу турини мозаика деб ҳам аталишига сабаб, ундан пол қопламаси учун ҳар хил чизмаларни яратиш мумкин. Бу панел паркети елимлаш йўли билан полга ётқизилади.



Ламинат паркет - бу дизайн ва ишлаб чиқариш технологияси бўйича энг қийин паркет тури ҳисобланади. Уни ишлаб чиқариш учун бир неча турдаги ёғочлардан фойдаланилади. Ушбу турдаги паркет учун чинор ва эман дараҳт турларининг энг машҳур навларидан фойдаланилади. Паркет хонанинг муайян майдони учун

мўлжалланган ва ишлаб чиқилган схема бўйича жойлаштирилади. Ламинат тахта ҳарорат ва намликтининг ўзгаришига бардошли.

45% дан ортиқ намлика ҳам ўз сифатларини йўқотмайди. Ишлаб чиқариш технологияси композит ва панел паркет ишлаб чиқариш жараёнига ўхшайди.



Пол учун тайёрланадиган паркет учун керакли ёғочнинг физик-механик күрсаткичлари.

Зичлик

Ёғоч маҳсулотларининг зичлиги бу – ёғоч оғирлиги унинг ҳажмига нисбатига айтилади. Ёғочнинг намлик күрсаткичлари ўзгариб борган сари унинг зичлиги ҳам ўзгариб боради. Одатда ёғочнинг барча физик-механик күрсаткичларини аниқлаш учун ўртacha 12% намлик күрсаткичи асос қилиб олинади. Шунга кўра, оғирлиги қанча катта бўлса, зичлиги ҳам шунча катта бўлади. 12% намлик күрсаткичи ёғочлар зичлигига кўра 3 турга ажратилади. Булар:

1. Зичлиги паст ёғочлар – уларнинг күрсаткичи **510 кг/м³** ва ундан паст;
2. Зичлиги ўртacha ёғочлар – уларнинг күрсаткичи **550-740 кг/м³** га тенг;

3. Зичлиги юқори ёғочлар – уларнинг күрсаткичи **750 кг/м³** дан юқори.

Мустаҳкамлик

Мустаҳкамлик күрсаткичи бу – ёғочга маҳсус механик қурилмалар орқали босим берилганда унга чидамлик күрсаткичига айтилади. Ёғоч маҳсулотларининг ўртacha мустаҳкамлик күрсаткичи **130 МПа** га teng.

Иссиқлик

Ўтказувчанлик

Иссиқлик ўтказувчанлиги – бу ёғоч қалинлигининг иссиқликни бир сиртдан қарама қарши томонга ўтказиш қобилиятига айтилади. Ёғоч турлари, зичлиги, намлиги ва кесиш йўналишига қараб **0,17-0,31 Вт/(мK)** га тенг.

1.3 Пол учун паркет материалларининг муқобил қурилиш материалларидан афзаликлари



Барча қурилиш материаларида бўлгани каби паркет панеллари ўзига муқобил бўлган қурилиш материалларига нисбатан бир қатор афзалликларга эга. Куйида асосий афзалликларини санаб ўтамиз.

1. Ташқи кўриниши (декорларнинг хилма-хиллиги ва танлаш имкониятининг кенглиги). Паркет ва ламинат поллар ишлаб чиқарувчилар замонавий тенденцияларга риоя қилган ҳолда ва харидорларга максимал танлов имкониятини тақдим этиш мақсадида доимий тарзда ўзларининг асортиментини кенгайтиришга интилишади. Бу эса ҳар доим

истемолчилар фойдасига хизмат қилиши аниқ.

2. Фойдаланиш муддати. Паркет полдан кўп йиллар фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари ишлатилган паркетни қайта тиклаш мумкин, шундан кейин пол янги кўринишга эга бўлади. Лакланган паркет тахталарини уч мартагача силлиқлаш мумкин, натижада улардан фойдаланиш муддати 30-40 йилгача етади.

3. Нархи. Паркет полнинг нархи одатда муқобилларидан бироз баланд. Баъзи ҳолларда ушбу маҳсулотлар нархи деярли тенглашади. Аммо эътибор



беришимиз лозимки, паркет поллардан фойдаланиш муддати 30-40 йил эканлигини ҳисобга олсак, паркет полни истемолчилар томонидан маъқул күрилиши табиийки ортади.

4. Табиийлиги. Паркет пол табиий маҳсулотлардан тайёрланади ва экологик жиҳатдан тоза. Атроф мұхиттаға ва инсон

организмiga заарлы таъсир күрсатмайды. Паркет пол бутунлай табиий ёғочдан ясалған, мантиқан ўйлаб қаралғанда бу сизнинг уйингизда ёввойи табиатнинг бир зарраси мавжудлигидан далолат. Ушбу күрсаткічлар орқали паркет поллар ишлаб чиқариш ва уни сотиш учун Сиз, бўлажак тадбиркорда ички ишонч ортиши табиий.



1.4 Ишлаб чиқарыш ҳолати рақамларда



2021 йилда республикада барча турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарыши күрсаткичи 24,2 трлн сүмни, 2026 йилда эса 41,5 трлн сүмни ташкил этиши режалаштирилган. Экспорт эса 2021 йилда 270 млн АҚШ доллары, 2026 йилга келиб эса 505 млн АҚШ долларига етказилиши прогноз қилинмоқда.

Шу билан бирга, соҳага жалб этилаётган инвестициялар миқдори 2021 йилда 1 610,0 млн АҚШ доллары, 2026 йилда 2 250,0 млн АҚШ долларини, маҳаллийлаштириш күрсаткичлари эса 2021 йилда 905,1 млрд сүмни, 2026 йилга келиб эса 1 550,0 млрд сүмни ташкил этиши кутилмоқда.



II. ХОМ АШЁ ТУРЛАРИ ВА МАВЖУД ЗАҲИРАЛАР





Паркет пол ишлаб чиқариш учун бир қатор ёғочбоп дарахт навлари қатори павловния дарахтини ҳам хом ашё сифатида ишлатиш мүмкін. Республикаизда павловния күчатини экиш, уни күпайтириш билан боғлиқ бир қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, республикада қурилиш материаллари, ёғоч ва ёғоч қириндили хом ашё ишлаб чиқарышни ривожлантириш, мебель саноатида ёғоч маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш, импорт ҳажмини кескин камайтириш, шунингдек, аҳолини муқобил энергияга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 27 августдаги 520-сонли қарори қабул қилинди.

Қарор билан Республика бўйича тупроқ-иклим шароитидан келиб чиқиб, сув танқис, ер ости сувлари 30 метрдан пастда жойлашган фойдаланил-

маётган захира майдонларда ҳамда ўрмон фонднинг сув танқис ёки тупроғи шўр бўлган ерларида синов тариқасида 2020 – 2024 йилларда павловния дарахти плантацияларини барпо этишнинг прогноз кўрсаткичлари;

2020 – 2024 йилларда павловния дарахти плантацияларини барпо этиш учун талаб қилинадиган күчатлар миқдорининг прогноз кўрсаткичлари тасдиқланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ҳокимликларига талабгорларга қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар ёки қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлган ерлар ёхуд қишлоқ хўжалигининг сифати ёмон ерлари ҳамда ўрмон фондига қарашли ерлардан – ўрмон билан қопланмаган ер участкалари павловния этиштириш учун ижара хукуқи асосида ажратилишини таъминлаш топширифи берилган.

Қарорга кўра ёғоч ва ёғоч

қириндили хом ашё ишлаб чиқарышни етарли хом ашё билан таъминлаш, мебель ишлаб чиқарыш саноати самарадор-лигини ошириш мақсадида павловния плантацияларини барпо этиш учун хар бир лойи-ҳага 100 гектардан кам бўлмаган ер майдони ажратилиши белгилаб берилди.

Мамлакатимизда сўнги 5-6 йилларда павловнияга қизиқиш ниҳоятда ортиб бормоқда. Павловния ер шарида мавжуд дарахтлардан нафакат энг тез ўсиши билан ажralиб туради, балки ҳаёлий гўзаллик кашф этиб гуллаши, қимматли ёғоч, асал, биомасса манбаи эканлиги билан қадрланади, у манзарали дарахт сифатида истироҳат боғлари, хиёбонларни безайди. Албатта, павловния мамлакатимизда янги ўсимлик бўлгани учун жуда кўп саволлар пайдо бўлади.

Павловния дарахтининг бир қанча турлари мавжуд.

Каталпа павловнияси – со-вуқقا чидамлилиги бўйича 7

иқлимий худудга (-17,5° дан -12,5°гача) тегишли. Гуллари йирик, оч пушти, попуксимон бўлиб, дарахтнинг энг юқорисидаги йирик шохларида йиғилган. Павловниянинг ушбу тури бошқаларига қараганда анча секин ўсади. 4 – ёшидан бошлаб энига қараб сезиларли ўсиши кузатилади ва йилига ўсиш 1-2 сантиметрни ташкил этади, бу эса йиллик нозик ҳалқалар ҳосил бўлишига олиб келади. Шу хоссаси туфайли Каталпифолия ёғочи энг қимматбаҳо ҳисобланади ва оддий, масалан Томентоза ёғочига қараганда 3 баробар қиммат туради. Каталпифолия қанча узоқ вақт ўсса, йиллик ҳалқалари янада нозиклашаверади, нархиям ортаверади. Қулай иқлимий шароитда ва совуқ жойларда яхши ўсади.

Элонгат павловнияси – со-вуқقا чидамлилиги бўйича 7 иқлимий худудга (-17,5° дан -12,5°гача) тегишли. Элонгат Павловнияси энг тез ўсуви турлардан бири бўлиб, танаси

тик турувчи, кенг конуссимон тожли дараҳтдир. Түпгули супргисимон оч пушти, 30 сантиметр узунликкача боради. Ушбу тур Марказий Европанинг Италия, Испания каби илиқ ҳудудларида етиштиришга мосдир. Тез ўсганлиги сабабли Элонгата биомасса олиш мақсадида ҳам етиштиришга жуда қулайдир. Мазкур тур Ўзбекистоннинг деярли ҳамма жойида ўсади, лекин Томентоза ва ШанТонг турлари каби кенг оммалашмаган.

Фартуней павловнияси – совуққа чидамлилиги бўйича 8 иқлимий ҳудудга (-12° дан $-6,5^{\circ}$ С гача) оид. Фартуней павловнияси иссиқсевар тур бўлиб, танаси жуда тўғри ўсуви, дараҳт танасининг юқорисида жойлашган тожи узунчоқ қўринишда бўлиб, баландлиги 30 метргача етади. Мазкур тур ёғочининг жуда юқори сифати билан таърифланади. Соғ фортуней бугунги кунда кам учрайди, унинг ўрнига Томентоза ва Шан Тонг турларининг дурагайи кўп етиштирилади.


Шан Тонг павловнияси – совуққа чидамлилиги бўйича 6 иқлимий ҳудудга ($-23,5^{\circ}$ до -18° С) тегишли.

Чатиширишдан олинган Шан Тонг дурагайида совуққа чидамлилик, тез ўсиш, тананинг тўғри ўсиши, дараҳт тоҗининг узунчоқ шакли ва чиройли гуллаши каби белгилар мужассамлаштирилган. Шан Тонг тури ер шарининг барча ҳудудларида ўстирилиши мумкин, хоҳ совуқ, хоҳ иссиқ бўлсин. Тоҷининг узунчоқ шакли туфайли 1 гектар ерга кўп сонли дараҳт ўтказилиши мумкин. Шан Тонг ҳозирги кунда қимматли ёғоч, кўп миқдорда биомасса олиш учун плантациялар яратишга жуда мос павловния тури ҳисобланади. Павловния турлари ва навларининг хусусиятлари ни ўрганиш, инсон яратган Шан Тонг дурагайини ҳамма талабларга жавоб берадиган сифатли ёғоч берадиган, кўп миқдорда биомасса олинадиган, шунингдек кўкаламзорлаштириш учун манзарали дараҳт сифатида етиштириш мумкин деган хуло-сага келиш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 27 августдаги 520-сонли қарорига кўра республика бўйича тупроқ-иклим шароитидан келиб чиқиб, сув танқис, ер ости сувлари 30 метр чукурликда жойлашган фойдаланилмаётган захира майдонларда ҳамда ўрмон фондининг сув танқис ёки тупроғи шўр бўлган ерларида синов тариқасида 2022 – 2024 йилларда павловния дарахти плантацияларини барпо этишнинг прогноз кўрсаткичлари

Худудлар	Шундан, йиллар бўйича:					
	2022 йил		2023 йил		2024 йил	
	Захира ерлар- да	Ўрмон фонди ерла- рида	Захира ерлар- да	Ўрмон фонди ерла- рида	Захира ерлар- да	Ўрмон фонди ерла- рида
Андижон	140	22	210	24	245	27
Бухоро	-	7	-	8	-	10
Жиззах	60	16	90	18	120	20
Қашқадарё	-	23	-	25	-	29
Навоий	-	8	-	9	-	10
Наманган	120	30	130	33	150	38
Самарқанд	100	30	150	33	175	38
Сурхондарё	-	14	-	16	-	18
Сирдарё	60	6	90	6	120	10
Тошкент	250	32	300	26	300	30
Фарғона	140	22	210	25	245	29
Жами:	870	210	1180	223	1355	259

III. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ





Хар бир ишлаб чиқарувчинг паркет ишлаб чиқариш технологияси тахминан бир хил. Фарқлар фақат босқичлар кетма-кетлигига ва баъзи бир ишлов бериш усулларида. Бундан ташқари, маҳсулот сифати ишлаб чиқарувчининг ишлаб чиқариш жараёнига муносабати ва ишнинг ҳар бир босқичида назоратига боғлиқ. Паркет поллар ишлаб чиқариш жараёнида хом ашёни паркет пол ишлаб чиқариш жараёнига тайёрлаш ниҳоятда зарурдир. Демак:

1. Дастлабки босқичда, қимматбаҳо ёғоч керакли параметрларда кесиб олинади. Кейин улар тўғри геометрик шаклларга келтирилади.

2. Тайёргарлик босқичи. Ёғоч омборда ёки сақлаш жойида бўлган даврда уни ке-

йинги ишларга пухта тайёрлаш муҳимдир. Механик шикастланиш ва бошқа нуқсонлар мавжудлигини текшириш керак. Бузилган ёки зарар етган хом ашёнинг ишлашига йўл қўйилмайди.

3. Сараланган маҳсулотларни қуритиш. Маҳсус қуритиш хоналарида ёғоч турлари бир неча ой давомида юқори ҳарорат таъсирида қурийди. Сўнгра, хом ашё ултрабинафша нурланиш таъсирида камерада қуритилади.

Паркет полларни ишлаб чиқаришда фақат энг қимматбаҳо ёғоч турлари қўлланилади. Анъанавий материаллар - эман, ёнғоқ, қайнин, чинор, зайдун, гилос дарахти ва бошқалар ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнида ҳар хил ёғоч турларини

бираштириш талаб этилиши ҳам мүмкін.

Эндиги навбат паркет пол ишлаб чиқарып жараёни. Жараён мұраккаб әмас. Уни қисқача баён әтамиз.

Паркет тахтасининг олд қатламини яратиш. Махсус кесиш ускуналари орқали қимматбақо ёғочдан тайёрланган тахта олдиндан белгиланған үлчамдаги тахталар шаклида кесилади. Панеллар керакли геометрик шакилларга келтирилип сирти тозалаш учун фрезалаш машинасида ишлов берилади.

Паркет тахта қатламларини ёпиштириш. 2 та қатлам тахталари паркет тахтасининг олд қатламига махсус елим билан ёпиштирилади. Учинчи қатлам иккінчи қатламга ёпиштирилади, шунда бу қатламларнинг

ёғоч толалари үзаро перпендикуляр жойлашған бўлади.

Охирги босқич. Охирги босқичда силлиқланған юзақисмини лаклаш, қоплама пуркаш, рангли бўёқлар орқали бўяш ёки мой билан сингдириш ишлари бажарилади. Сўнгра тайёр бўлған паркет полларни қадоқлаш ишларини бошлишингиз ва уни турли пол юзаларини қоплаш мақсадида ишлатиш мүмкін.

Бир томондан, паркет ишлаб чиқарып жараёни ҳамма жойда бир хил, иккинчидан, ҳар бир фабриканинг ўзига хос ишлаб чиқариш технологияси ва мавжуд ускуналар - ишлаб чиқариши автоматлаштирадиган ва уни энг юқори сифатга келтирадиган барча қурилмалар ҳисобланади.

Юқорида келтирилган паркет ишлаб чиқариш технологиясининг электр энергия сарфи.

Номланиши	Бирлик	Электр энергия	Электр энергия нархи. кВт/сүм	Умумий Электр-энергия нархи. минг сўм
Талаб этиладиган қувват	кВт/соат.	13.1		5 895,0
Йиллик қувват сарфи	минг. кВт.	3.995	450.0	1 797 975,0
1м³ паркет панеллари ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган электр-энергия сарфи	кВт/м³	13.1		5,8

Пол учун паркет материаллари ишлаб чиқарыш технологик линияларининг дастлабки нархлари

1. Россия Федерациисида ишлаб чиқарилган V-HOLD PL7226A технологик линияси. Дастлабки нархи – 121 000 АҚШ доллари.

2. Хитой Халқ Республикасининг Hangjagang Fenghua

Machinery Co., Ltd. томонидан ишлаб чиқарилган технологик линия. Дастлабки нархи - 128 000 АҚШ доллары.

Ушбу линия ишга туширилиши натижасида 10-16 нафар янги иш ўрни яратилиши мумкин.



IV. СИФАТ, МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА ЎЛЧОВ ВОСИТАЛАРИ



4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари



Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш түғрисида"ги Қонунига асосан барча маҳсулот ва хизматлар тегишли тартибда стандартлар асосида ишлаб чиқарилиши қатъий белгилаб қўйилган.

Шунинг учун паркет поллар белгиланган стандарт талаблари доирасида ишлаб чиқарилиши зарур. Ушбу стандартларни Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо

вазирилиги хузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Стандартлар институтидан сотиб олиш мумкин.

Норматив ҳужжатларда паркет пол ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, хом ашёни танлаш, хом ашё таркибида саноат чиқиндиларидан фойдаланиш тартиби, маҳсулотни ташиш даврий сифат кўрсаткичларини текшириб бориш каби талаб ва тавсиялар келтирилади.

**Паркет поллар ишлаб чиқариш ва у билан
бөглиқ жараёнларни амалга ошириш учун
зарур стандартлар:**


Стандарт рақами	Стандарт номи
ГОСТ 4.223-83.	Паркет маҳсулотлари. Номенклатура кўрсаткичлари
ГОСТ 862.3-86	Паркет маҳсулотлари. Паркет тахталар. Техник шартлар.
ГОСТ 862.2-85	Паркет маҳсулотлари. Паркет мозаикалар. Техник шартлар
ГОСТ 862.4-87	Паркет маҳсулотлари. Паркет тахталар.
ГОСТ 862.1-85	Паркет маҳсулотлари. Паркет. Техник шартлар.
ГОСТ 32304-2013	Куруқ технологик толали плиталарга асосланган ламинат тахта. Техник шартлар.
ГОСТ 28015-89	Бир қаватли ёғоч тахта плиталари. Техник шартлар.
ГОСТ 8673-93	Плиталар. Техник шартлар.
ГОСТ 30427-96	Умумий фойдаланиш учун фанера. Ташқи кўриниши бўйича таснифлашнинг умумий қоидалари.
СН 2.2.4/2.1.8.566	Санитария меъёрлари ва қоидалари. Саноат тебраниши, турар жой ва жамоат биноларида тебраниш.
ГОСТ 8242-88	Курилиш учун ёғоч ва ёғочдан тайёрланган материаллардан тайёрланган профиль қисмлари. Техник шартлар.
СНиП 2.03.13-88	Поллар
СанПиН 2.1.2.1002-00	Турар-жой бинолари ва уларга қўйиладиган санитария-эпидемиологик талаблар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги "Курилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид құшим-ча чора-тадбирлар түрфисида"-ги ПҚ-4335-сонли қарорининг 6-иловаси "2021 йилнинг 31 декабрига қадар давлат томо-

нидан қўллаб-қувватлаш орқали қабул қилинадиган қурилиш материаллари соҳасидаги халқаро стандартлар рўйхати"га муво-фик 2019 йилда 340 та, 2020 йилда 542 та халқаро стандартлар қабул қилинди, 2021 йилда яна 505 та халқаро стандарт қабул қилиш режалаштирилган.




4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш




Жараён оддий ва унда инсон омили иштироки камайтирилган. Паркет поллар ишлаб чиқариш учун мувофиқлик сертификатини масофадан туриб олиш мүмкін. Бунда Сиз [singlewindow.uz](#) электрон платформасига кирасиз, **ариза за тақдим этиш** тугмачасини босған ҳолда ўз маълумотларингизни киритасиз.

Аризангиз кўриб чиқида ди ҳамда **3 иш куни** ичидаги тегишли мутахассислар келиб, Сиз ишлаб чиқараётган паркет

поллардан наъмуналар олади. Маҳсулотни тегишли тартибда лаборатория синовларида текширади, стандарт талабларга жавоб берган тақдирда Сизга мувофиқлик сертификати берилади.



4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги



Паркет учун пол материаларини ишлаб чиқаришда турли хил ўлчов воситаларидан, хусусан узунлик ўлчов инструменти, чегаравий ясси узунлик ўлчовлари, соат индикаторлар, штангенциркул каби ўлчов воситаларидан фойдаланилади.

Ушбу ўлчов воситалари қурилиш материалининг сифати, стандарт талабларда белгиланган геометрик ўлчамлардан, оғирликлардан четга чиқмаганligи каби мұхим факторларни

доимий назорат қилиш учун зарур ҳисобланади.

Ушбу ўлчов воситалари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2019 йил 30 июлдаги «Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари туркумларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» ги **3174-сон буйруғи**га асосан **Миллий метрология институти томонидан қиёслов кўригидан ўтказилади.**

V. САМАРАДОРЛИК ҚҰРСАТКИЧЛАРИ





Паркет тахта материаллари-ни ишлаб чиқариш учун тайёр маҳсулот таннархига таъсир этувчи асосий омиллардан бири бу ёғоч пиломатериалларнинг нархи ҳисобланади. Чунки пиломатериал асосий хом-ашё ҳисобланиб, нархлари биржасавдолари натижаларига кўра ўсиб ёки камайиб борувчи

ҳисобланади. Жумладан йилига 5,0 минг метр куб паркет пол ишлаб чиқариш учун 2,75 минг тонна ёғоч таълаб этилади. Ҳозирги кунда ёғочнинг бозор нархи 2,85 млн сўмни ташкил этишини ҳисобга олсак, ёғоч учун йилига 14,25 млрд сўм сарфланади.



**Паркет ишлаб чиқаришда хом-ашё
материалларига кетадиган харажатлар**

Хом ашё тури	1м³ га материал сарфи, кг	Нархи, сүм/кг	Шу жумладан 1м³ үчун сарф этилган хом ашё, сүм	5 минг метр куб паркет панеллари учун йиллик харажатлар, минг сүм
Ёғоч кириндиси	700	4071,0	2 850 000	14 250 000 000
Лак	2.5	24000.0	60 000	300 000 000
Электр-энергия	13.1кВт/м³	450,0	5 895	29 475 000
Жами:			2 915,895 сүм/м³	14 579 475 000 сүм/йил
Транспорт харажатлари: (жами харажатларнинг 3,0%)			437 384 250	15 016 859 250
Хом-ашёларни сақлаш харажатлари: (жами харажатларнинг 1,0%)			145 794 750	14 725 269 750
Жами (транспорт ва сақлаш харажатлари құшиб хисоблаганда) харажатлар:			583 179 000	15 162 654 000
Ишлаб чиқарувчининг фойдаси: (жами харажатларнинг 30,0%)			4 548 796 200	19 711 450 200
Умумий:				19 711 450 200

Изоҳ: Паркет полнинг қалинлигига қараб унинг юзаси (кв метр) миқдори ўзгариб боради. Мисол учун 1м³ ёғочдан 1,5 см қалинлик даги 66 кв метр паркет пол қолпамаси ишлаб чиқариш мүмкін.

Ишлаб чиқариш жараёнида сарфланадиган электр энергияси миқдорини ҳисоблаш мақсадида йилига 5,0 минг метр куб бўлган паркет пол материаларини ишлаб чиқариш корхонаси танлаб олинди.

Агарда паркет тахта материаларини ишлаб чиқариш заводи бир йилда ўртача 300 кун, 8 соатдан иборат 2 сменада фолият кўрсатади деб ҳисобласак, у ҳолда бир кундаги материаллар сарфи қуийдагича:

Паркет тахта материаларини ишлаб чиқариш вақтлар оралиги кесимида

Паркет тахта материаллари

Йиллик, м ³ /йил	5000,0
--------------------------------	--------

Кунлик, м ³ /смен.	16,3
----------------------------------	------

Соатлик, м ³ /соат	1,04
----------------------------------	------





VI. ЭКОЛОГИК МЕЬЁРЛАР ВА АТРОФ МУХИТГА ТАЪСИРИ



6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи ҳужжатлар



Экология – тирик жонзотларнинг яшаш шароити ва уларнинг ўзлари яшаб турган мұхит билан ўзаро мураккаб муносабатлари ва шу асосда туғилған қонуниятларни ўрганади, инсоннинг табиат билан ўзаро таъсирини эң мақбул тарзда ишлаб чиқаради. Экологик назорат атроф мұхитни мұхофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун хужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек күйишга, табиатни мұхофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратылған давлат ва жамоатчилік чор-тадбирлари тизимиdir.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги 9 декабрдағи **«Табиатни мұхофаза қилиш тұғрисида»**ги ҳамда 1996 йил 27 декабрдағи **«Атмосфера ҳавосини мұхофаза қилиш тұғрисида»** Қонунлари табиий мұхит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан

оқилона фойдаланишнинг хуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар мұхофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф мұхитта эга бўлиш хуқуқини кафолатлашдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги "2030 йилгача бўлған даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф мұхитни мұхофаза қилиш концепциясini тасдиқлаш тұғрисида"ги ПФ-5863-сонли фармонига биноан:

- экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллардан, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш;
- иқтисодиётни экологи-

ялаштириш, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизmlарини жорий қилиш, экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллар, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш;

- янгидан фойдаланишга топширилаётган ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самарадорлиги **99,5 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш;

- амалдаги ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самарадорлиги **95 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш каби топшириқларидан келиб чиқиб қурилиш материаллари саноатидаги мавжуд ишлаб чиқариш

корхоналари ва янгидан ташкил этиладиган корхоналарга ушбу талаблар белгиланган.

Инсоният ҳаёти уни ўраб турган табиий муҳит билан узвий боғлиқ бўлиб, буни тасдиқлайдиган манбаалар ҳар қадамда учраб туради. Жаҳон кўламида жадал суръатлар билан кечеётган фан-техника инқилоби одамларнинг меҳнат шароити, турмуш даражаси яхшиланишига ижобий таъсир этиш билан бирга у туғдирган экологик ўзгаришлар, ўз навбатида, инсониятга, уни ўз бағрида сақлаётган она табиатга асоратли таъсир кўрсатмоқда. Бизни ўраб турган табиатни чиндан ҳам она десак бўлади. Чунки у бутун борлиқни ҳаётбахш нафаси билан таъминлаб туради, тўйдиради, кийинтиради. Ана шундай марҳаматли табиатнинг озор топиши у билан бевосита одамзод ва жониворларни тахликага солиб кўйиши мумкин. Азот оксидларининг чиқариб ташланиши криоген

техникада ва уй шароитида хлор-фтор-карбонатларнинг кенг құламда құлланилиши Ернинг озон қаватини сақлаш муаммосини кескинлаشتыриб юборади.

Хозирги замон фан-техника тараққиёти, шунингдек табиатга антропоген (инсоннинг бевосита қатнашиши) таъсир этишнинг тобора кучайиши на-тижасида табий омилларнинг ўзаро боғланиши маълум дара-жада мувозанатдан чиқмоқда, бу эса ер юзида ҳаёттің жара-ён рисоладагидек кечишига хавф солмоқда. Шу боисдан табийи мұхитни асраш муаммолари күп жиҳатдан экологик тадқиқотлар билан боғланади.

Табиий бойликлардан оқи-лона фойдаланишдан табиатда рүй берадиган жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ривожла-ниш қонуниятлари ҳақидаги билимлар катта аҳамиятга эга. Бусиз табиий жараёнларга баҳо бериш, уларни ҳисобга олиш, табиатга, табиат компонент-

ларига күрсатылған ҳар қандай таъсирнинг келажақда қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан билиш мүмкін эмас. Инсон табиатдан фойдаланганда ва унга таъсир күрсатаётганда билиши ва фаолиятида амал қилиш зарур бўлган, асосан, **5 қонуният** мавжуд:

1) Табиатдаги барча компонент ва элементлар ўзаро бир-бирлари билан боғланган, ўзаро таъсир этиб, муайян мувозанатда бўлиб, уйғунлик ҳосил қилган. Бирон компонент ёки элемент ўзгарса, бутун табиий комплексда ўзгариш рўй беради;

2) Табиатда тўхтовсиз модда ва энергиянинг айланма ҳаракати рўй береб туради. Бу ҳаёт асоси;

3) Табиий жараёнларнинг ривожланишида муайян даврийликлар мавжуд (суткалик, йиллик, 12 йиллик, 33-35 йиллик ва кўп йиллик);

4) зоналик;

5) регионаллик.

6.2 Экологик ҳужжатларни расмийлаштириш



Экологик назорат объект-лари күйидагилардан иборат:

ер, ер ости бойликлари, сувлар, үсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси атроф мұхитта таъсир күрсатуви табиий ва техноген манбалар атроф мұхит ифлосланишига ва табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мүмкін бўлган фаолият, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

Экологик назоратнинг турлари:

давлат экологик назорати;
идоравий экологик назорат;
ишлаб чиқариш экологик назорати;
жамоатчилик экологик назорати.

Ҳар қандай янги лойиха бўйича ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этилишида **экология йўналиши бўйича 5**

та норматив-хужжат ишлаб чиқилиши мажбурий тарзда қонунчилигимиз билан мустаҳкамланиб қўйилган. Булар:

АМТА – атроф мұхитта таъсири аризаси ҳақидаги хужжат;

ЭОА – экологик оқибатлар аризаси ҳақидаги хужжат;

ПДВ – атмосфера қатламига чиқариладиган ташламалар ҳақидаги норматив;

ПДС – ер қатламига чиқариладиган заарарли чиқинди оқавалар ҳақидаги норматив. Агар чиқинди сувлар канализация тармоғига уланса **КЭН** нормативи ишлаб чиқарилади;

ПДО – ишлаб чиқарыш корхонасининг фаолияти давомида ажralадиган саноат ва маиший чиқиндиларнинг худуддга ва атрофга жойлаштирилиши ҳақидаги норматив. Агар чиқиндилар экологик сертифи катланган бўлса компенсацион тўловларга тортилмайди.

VII. МЕХНАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ





7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари



Ўзбекистон Республикасида хавфсиз ва қулай меҳнат шаритида ишлаш юзасидан фуқароларнинг ҳукуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (37-модда) мустаҳкамланиб кўйилган. Ушбу конституциявий кафолатни амалда рўёбга чиқарилишига қаратилган аниқ чора тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида, бошқа бир қатор қонунлар ва қонун ости норматив ҳужжатларида белгиланган.

Меҳнат муҳофазаси - инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилиятининг сақланишига қаратилган тадбирлар. Қонун ҳужжатларида меҳнат жараёнида қўлланиладиган ижтимоий-иктисодий, ташкилий, техник, санитария-гигиена, даволаш-профилактика чора тадбирлари белгилаб қўйила-

ди. Меҳнат қилувчи шахс хавфсизлиги, саломатлиги, меҳнат қилиш қобилиятини ҳимоялаш, соғлом меҳнат шароитлари яратиш, касб касалликлари юз бериш ҳавфини олдини олиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланишларга йўл қўймаслик кабилалар меҳнат муҳофазаси олдидаги вазифалар ҳисобланади.

Меҳнат муҳофазасига оид талаблар ва стандартлар Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари асосида ишлаб чиқариладиган корхона ва ташкилотларнинг ички меҳнат тартиби қоидалари, жамоа шартномалари, тармоқ ёки минтақавий жамоа келишувлари, корхоналарнинг бошқа ички норматив ҳукукий ҳужжатларида, муайян соҳа, касб, иш жойларига оид бўлган Меҳнат муҳофазаси стандартларида белгилаб қўйилади. Мулкчилик шакли ва хўжалик юритиш усулидан

қатъий назар барча корхона, муассаса, ташкилотлар ўз ходимлари учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиши, хавфсизлик техникаси чораларини кўриши, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этиши, бошқа ташкилий техник тадбирларни амалга ошириши шарт.

Меҳнатни муҳофаза қилиш — бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иктисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

Ходимларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнгин чиқишдан сақланиш ва меҳнатни муҳофаза

за қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўл-йўриқлар бериш ҳамда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳамма талабларига риоя этишларини доимий равишда текшириб бориш вазифаси иш берувчи зимасига юклатиласди.

Меҳнат муҳофазасида қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

жамоавий ҳимоя воситалари — тузилиши ёки вазифаси жиҳатидан ишлаб чиқариш биноси ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган, ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланышлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган техник воситалар ва бошқа воситалар;

зарарли ишлаб чиқариш омили — таъсири ходимнинг касб касаллигига чалинишига

олиб келиши мүмкін бўлган ишлаб чиқариш омили;

иш ўрни — меҳнат фаолияти жараёнида ходимнинг доимий ёки вақтингчалик бўлиш жойи;

ишлаб чиқариш фаолияти — маҳсулот ишлаб чиқариш, хом ашёни қайта ишлаш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш чоғида амалга ошириладиган ҳаракатлар йигиндиси;

ишлаб чиқаришдаги баҳт-сиз ҳодиса — ходимнинг иш берувчининг худудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлик ҳолда, шу жумладан иш берувчи томонидан берилган транспортда иш жойига келаётган ёки ишдан қайтаётган вақтда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруратига, у касбга оид меҳнат қобилиятыни вақтингча ёки турғун йўқоти-

шига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

касб қасаллиги — ходимнинг унга заарли ишлаб чиқариш омили ёки хавфли ишлаб чиқариш омили таъсири натижасида юзага келган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтингча ёхуд турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали қасаллиги;

меҳнат шароитлари — меҳнатни амалга ошириш чоғидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омиллари йигиндиси;

меҳнатни муҳофаза қилиш — меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақланышини таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизими;

меҳнатда майиб бўлиш —

ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса оқибатида ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотиши;

ноқулай ишлаб чиқариш омиллари — зарарли ишлаб чиқариш омилиниң ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилиниң мавжудлиги;

хавфли ишлаб чиқариш омили — таъсири ходимнинг шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

шахсий ҳимоя воситалири — ходимга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирини олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимояланиш учун фойдаланиладиган техник воситалар ва бошқа воситалар.

Паркет пол материаллари ни ишлаб чиқаришнинг асосий технологик босқичларида ишлашда хавфсизлик қоидалари га қатъий риоя қилиш зарур.



VIII. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ИНТЕРНЕТ ТАРМОГИ ОРҚАЛИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги 312-сонли “Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан мамлакатимизда 2014 йилнинг 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этилди.

Унга кўра, электрон рўйхатдан ўтказиш таъсис ҳужжатларини масофадан туриб ва интэрактив расмийлаштириш йўли билан намунавий шакллар асосида тайёрлаш имконияти бўлган Ўзбекистон Республикаси интэрактив давлат хизматлари ягона портали орқали амалга оширилади. Электрон рўйхатдан ўтказишда зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш учун ариза бериш, шунингдек рўйхатдан ўтказилган

таъсис ҳужжатларини ва тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганини тўғрисидаги гувоҳномани бериш электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги ПҚ-2646-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш” тартиби тўғрисидаги Низом асосида амалга оширилади.

IX. ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ



Бугунги кунда банклар томонидан тадбиркорларликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилған бўлиб, молиялаштириш дастурлари доирасида банклар томонидан турли хилдаги кредитлар тақлиф этилмоқда.

Кредитларининг турлари бизнесни ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган исталган масалаларни ҳал қилишга имкон беради.

Кредит тақдим этиш тўғрисидаги қарор қабул қилишда банк мижознинг ҳақиқий ҳолати тўғрисидаги маълумотларга асосланади. Бунда этибор расмий кўрсаткичларга эмас, балки молиялаштириш назарда тутилган бизнеснинг ривожла-

ниш истиқболларига қаратилади.

КРЕДИТ ОЛИШ УЧУН КЕРАКЛИ ҲУЖЖАТЛАР:

- кредит олиш учун ариза (кредит муддати, фоизи, мақсади кўрсатилган ҳолда);
- бизнес-режа (маҳсулот турлари, ишлаб чиқариш технологиялари, сотиб олинадиган ёки ижарага олинадиган асбоб ускуналар рўйхати, хом ашё заҳиралари, маҳсулотга бўлган талаб, ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсатилади);
- корхона ташкил қилинганилиги тўғрисидаги ҳужжатлар (гувоҳнома, Устав);
- таъминот ҳужжатлари (гаровга қўйиладиган кўчма ва кўчмас мулк, кафиллик).

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Бурый А. Укладка паркета / А.Бурый. - М.: Издательские решения, 1997.
2. Дамье-Вульфсон В.Н. Устройство полов из паркета и линолеума. Практическое пособие / В.Н. Дамье-Вульфсон. - М.: Высшая школа, 1991.
3. Деревянков В.С. Паркет, ламинат, массив, линолеум. Выбор, монтаж / В.С. Деревянков. - М.: Лада, 2010.
4. Коврик кокосовый «Паркет», 45x75 см. - Москва: РГГУ, 2013.
5. Коврик придверный «Паркет» с окантовкой, резиновый, 40x60x0,8 см (полуovalный), арт. ТД4-1015. - Москва: Машиностроение, 2000.
6. Мир паркета: Настольная книга дизайнера. - Москва: Высшая школа, 2001.
7. Плотников, Л.И. Ламинат. Шаг за шагом. Паркетные полы, полы из ламинаата, ламинированный паркет, паркетная доска, достоинства и недостатки, укладка и уход / Л.И. Плотников. - М.: Центрполиграф, 2014.
8. Серикова, Г.А. Работы с полами: паркет, плитка, ламинат, линолеум / Г.А. Серикова. - М.: Рипол Классик, 2011.
9. Умельцев, Ю. Как клать ламинат, паркет и стелить линолеум / Ю. Умельцев. - М.: Клуб семейного досуга, 2012.
10. Эрмантраут А. Сами укладываем паркет, настилаем деревянные полы и ламинат / А. Эрмантраут. - М.: Омега-пресс, 2008.
11. Дамье-Вульфсон В. Н., Завражин Н. Н.Устройство полов из паркета и линолеума.
12. Дамье-Вульфсон В. Н.Устройство полов из паркета и линолеума. Практическое пособие.
13. Сатторов З.М. Экология. – Т.:Sano-standart, 2018. – 362 б.
14. Сатторов З.М. Қурилиш экологияси. – Т.:Sano-standart, 2017. – 364 б.
15. <https://lex.uz/docs/1547380>.



“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” АТБ

- Манзил:** 100000, Тошкент шаҳри.
Шаҳрисабз кўчаси 3-й.
- Мўлжал:** "Ўзбекистон почтаси",
"Ucell" бош оғиси.
- Алоқа учун:** + 998 (78) 120-35-94
- E-mail:** info@uzpsb.uz
- Сайт:** sqb.uz

“ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛИТИ” МЧЖ ИЛМИЙ- ТАДҚИҚОТ ВА ИНЖИНИРИНГ МАРКАЗИ.

- Манзил:** Тошкент шаҳри, Тафаккур кўчаси,
68-А уй.
- Мўлжал:** Дўстлик боғи,
"Иchan қалъа" меҳмонхонаси
- Алоқа учун:** (71) 254-92-01
- E-mail:** info@uzqmliti.uz
- Сайт:** uzqmliti.uz

ПОЛ УЧУН ПАРКЕТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БҮЙИЧА АМАЛИЙ УСЛУБИЙ ҚҰЛЛАНМА

ПОЛ УЧУН ПАРКЕТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БҮЙИЧА АМАЛИЙ УСЛУБИЙ ҚҰЛЛАНМА



**Пол учун паркет ишлаб чиқариш
бўйича амалий услугубий қўлланма**

Компьютерда тайёрловчилар:
Эрматов Ф., Алимжонов С.

Дизайнер:
Эрматов Ф.